

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 21 (1200) 2019 йил 23 май

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг



КРИСТИН ЛАГАРД: ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИ ЙЎЛДАН БОРМОҚДА

Жорий йилнинг 17 май куни Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристин Лагард бошчилигидаги делегация мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлди. Ушбу ташриф чоғида жамғарма директори мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев билан учрашиб, Ўзбекистон ва Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги амалий мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.



Шунингдек, ХВЖ бошқарувчи директори жамғарма мамлакатимизда барча тармоқ ва йўналишларни қамраб олган ҳолда фаол амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолашни алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ҳам ХВЖ бошқарувчи директори билан учрашув бўлиб ўтди. Унда бугунги кунда мамлакатимизда банк секторида олиб бо-

риллаётган йирик ислохотлар ва макроиқтисодий сиёсат масалалари муҳокама қилинди.

Жамғарма экспертларининг фикрича, Ўзбекистон муҳим ислохотларнинг илк босқичини муваффақиятли амалга оширди, шу жумладан, валюта муомаласи либераллаштирилди, солиқ тизими ислох қилинди ва давлат статистикаси тизими тубдан яхшиланди.

Жамғарманинг техник кўмаги туфайли янги солиқ сиё-

сати ва маъмуриятчилиги концепцияси ишлаб чиқилиб жорий этилгани, "Марказий банк ва валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонуннинг янги тахрири лойиҳаси тайёрлангани, Ўзбекистон Давлат бюджетининг илк бор ўрта муддатли асосда ишлаб чиқилгани, мамлакатимиз ХВЖ статистика маълумотлари тарқатишнинг умумий тизимига қўшилгани ижобий баҳоланди.

(Давоми 2-саҳифада)

"УНИВЕРСАЛ БАНК"НИНГ БЕШИНЧИ ФИЛИАЛИ



ХАТБ "Универсал банк" йилдан-йилга ўз фаолиятини такомиллаштириб, мижозларга хизмат кўрсатишнинг юқори сифатларига эришаётган молия муассасаларидан бирига айланиб бормоқда. Буни мазкур банкнинг вилоят ва шаҳарлардаги филиаллари сонининг ортиб бораётганидан ҳам билиш мумкин.

17 май куни Тошкент вилоятининг Зангиота тумани марказида банкнинг яна бир янги филиали ўз фаолиятини бош-

лади. Очилиш маросимида тумандаги корхона, ташкилот ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан кекса отахон ва онахонлар қўлларини дуога очиб, мамлакатимизда эл-юрт турмуш фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишлардан мамнун эканликларини изҳор қилар экан, туман аҳли учун жуда қулай жойда фаолиятини бошлаётган филиал жамоасига улкан муваффақиятлар тилади.

Мазкур филиалда мижозлар ва банк жамоаси учун барча қулайликлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Эндликда зангиоталиклар "Универсал банк"нинг энг замонавий ва инновацион хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлдилар.

Янги филиалда 40 нафар малакали ходим туман аҳлига барча турдаги банк хизматларини кўрсатишга астойдил бел боғлаган.

(Давоми 3-саҳифада)

ҚИСКА ХАБАРЛАР

Тошкентда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Швейцария Ҳукуматлараро комиссиясининг 8-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳамкорликнинг турли йўналишлари билан бир қаторда Ўзбекистон банк-молия тизимига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида "Агробанк" ва "Credit Suisse Bank" ўртасида 100 миллион евро миқдордаги кредит битими имзоланди.

Мазкур кредитлардан йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда фойдаланилади. Шунингдек, икки мамлакат банклари ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, юртимизда тадбиркорлик фаолияти ривожланиб, янги иш ўринлари яратилади.

"Hamkorbank" ATB UnionPay Exchange карталаридан нақд пул ечишда комиссия тўлов ундирилмаслигини маълум қилди.

UnionPay карта эгалари ҳамда ушбу карта эгаси бўлиш иштиёқида юрганлар учун бу ажойиб янгиликдир. Энди мижозлар "Hamkorbank" банккомат ва терминаллари орқали UnionPay картасидан нақд АҚШ доллари ечиб олишда ҳеч қандай банк комиссияси ундирилмайди. Бу имконият фақат "Hamkorbank" томонидан эмиссия қилинган карталар учундир.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган расмий дилерлар тармоғи орқали харид қилиш мумкин бўлган "GM Uzbekistan" АЖ автомобилларини олиш учун АТ Халқ банки томонидан жисмоний шахсларга автокредитлар берилмоқда.

Ушбу кредит йиллик 30 фоиз устама ҳақ тўлаш, қарз олувчи томонидан автомобиль нархининг 30 фоизи миқдори дастлабки бадални тўлаш шарти билан берилади. Имтиёзли давр 3 ой этиб белгиланган. Яъни ушбу даврда фақатгина ойлик ҳисобланган фоизлар тўланади.

Ушбу кредитни Халқ банкининг республика-миздаги мавжуд 197 та филиали орқали расмийлаштириш мумкин.

Яқинда Нидерландиянинг инвестиция компанияси – Triodos Investment Management субординар қарз шартномаси доирасида "Ипак Йўли" акциядорлик инновацион тижорат банкига 3 млн. евро миқдорида маблағ ажратди.

Мамлакатнинг иқтисодийети жадал ривожланаётган даврда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга бўлган талаб сезиларли даражада ошмоқда. Шу муносабат билан ушбу узоқ муддатли субординар кредит "Ипак Йўли" банкининг капитал базасини ошириш ҳисобига кредитлаш операцияларини кенгайтиришга имкон беради. Пул маблағлари кичик бизнесни молиялаштириш, Ўзбекистонда хусусий секторни ривожлантиришга ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

УШБУ СОНДА

ЖОРИЙ
ЙИЛНИНГ I
ЧОРАГИДА ЯЛПИ
ИЧКИ МАХСУЛОТ
5,3 ФОИЗГА ЎСДИ



2

ОИЛАВИЙ
ТАДБИРКОРЛИК
– БАРҚАРОР
ДАРОМАД
МАНБАИ



4-5

РИЗҚДАГИ
БАРАКАНИНГ
ОМИЛЛАРИ



8


(Бошланиши 1-саҳифада)

Шунингдек, учрашув чоғида Кристин Лагард республикада кредитлаш даражасини қисқартириш ва давлат корхоналари ва банкларини ислоҳ қилишда хатарларни мониторинг қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади ҳамда Марказий банк томонидан молиявий секторда ислохотларнинг барча хатарларини тушуниш муҳимлигини қайд этди. Қолаверса, у ХВЖ бор салоҳиятини ишга солган ҳолда ўтказилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини айтиб ўтди.

Учрашувдан сўнг, Кристин Лагард Марказий банк ходимлари ва талабалар учун "Ўзбекистондаги ислохотлар: инклюзив ўсиш ва ҳамкорлик учун янги формула" мавзусида маъруза қилди.

Уўзчиқишида Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатларини оширишда ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда юқори салоҳиятга эга эканлигини қайд этиб, сўнги йилларда давлатимиз-

КРИСТИН ЛАГАРД: ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИ ЙЎЛДАН БОРМОҚДА



нинг жаҳон ҳамжамиятига очиқлик сиёсатини олиб бораётгани кўплаб ижобий ўзгаришларга сабаб бўлаётганини таъкидлаб, шундай деди:

– Жумладан, сўнги икки йил ичида Ўзбекистоннинг кўшни ва бошқа хорижий давлатлар билан савдо-сотиқ алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги интилиши натижасида ўзаро савдолар ҳажми

бир неча баробарга ўсган. Бу ислохотлар даврида тараққиётнинг уч муҳим омили – макроиқтисодий барқарорлик, инвестицияларни фаол жалб қилиш ҳамда коррупцияга қарши курашишга жиддий эътибор қаратилаётгани мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига туртки бераётди. Айниқса, давлатнинг хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, инвестицион

муҳитни янада яхшилаш, солиқ ислохотлари, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш учун олиб бораётган сиёсати самарали кечмоқда. Бу, ўз навбатида, хорижий йирик инвесторларнинг ҳам Ўзбекистонга бўлган қизиқишини оширмоқда.

Шунингдек, молия-банк тизимидаги кат-

та ислохотлар ҳам тўғри йўналишда кетаётганини таъкидлаш ўринлидир. Биринчи навбатда, Марказий банкнинг инфляцияни жилловлашга, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга интилаётганини ижобий баҳолаш мумкин. Шу билан бирга тижорат банкларининг рақамлаштириш, замонавий банк хизматларини жорий этишга жиддий киришгани ҳам эътирофга лойиқдир.

Қисқача айтганда, меҳмондўст ўзбек халқи бугунги кунда тўғри йўлдан олға бормоқда. Мен ишонаманки, Ўзбекистон тарихида Буюк Ипак Йўлининг маркази бўлгани каби келгусида ҳам жаҳон савдо майдонининг марказига айланади. Бу йўлда Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашга, амалий кўмак кўрсатишга доим тайёр.

Мазкур учрашув сўнгида Халқаро валюта жамғармаси директори ҳамда банк ходимлари ва талабалар ўртасида очиқ савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ I ЧОРАГИДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ 5,3 ФОИЗГА ЎСДИ

Марказий банк томонидан жорий йилнинг I чораги бўйича пул-кредит сиёсати шарҳи эълон қилинди.

Унга кўра, 2019 йилнинг I чорагида макроиқтисодий ҳолат Марказий банкнинг асосий прогнозларига мос равишда шаклланди. Ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (5,1 фоиз) жадаллашиб, 5,3 фоизни ташкил этди.

Мазкур даврда иқтисодий ўсишнинг асосий "драйверлари" ўтган йилларда бўлгани каби банклар томонидан кредитлаш фаоллигининг ошиши ҳамда ўрта даражадаги юмшоқ солиқ-бюджет сиёсатининг юритилиши ҳисобига асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг юқори даражада ўсганлиги (2018 йилнинг шу даврига нисбатан 29,3 фоизга кўп), шунингдек, аҳоли даромадлари ўсишининг давом этиши каби омиллар бўлди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг 6,8 фоизга ошиши, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг – 18,3 фоизга, қурилиш ишларининг – 5,9 фоизга ва хизматлар кўрсатишнинг – 11,1 фоизга ошиши ялпи ички маҳсулот ўсишига асосий ҳисса қўшди.

Кредитлаш ҳажмларининг ўсиш суръати деярли ўзгармади ва ўтган йилнинг мос даври даражасида бўлди. Бироқ, кредит портфели таркибида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, миллий валю-



тадаги кредитларнинг ўсиш суръати деярли 2 баробар пасайган бўлса, хорижий валютадаги кредит қўйилмалари ўсишининг тезлашиши кузатилди.

Кредит портфели таркибидаги ушбу тенденциялар инфляция даражаси ва валюта бозоридagi ҳолатга жорий босимнинг олдини олиш имконини берса, айни пайтда, ушбу хатарларнинг кейинги даврларда (ўрта ва узоқ муддатли истиқболда) рўй бериши эҳтимolini оширади.

Бундай шароитда таркибий ислохотларни амалга оширишда иқтисодиётга қарз мажбуриятларини юқори суръатларда жалб қилишининг вужудга келиши мумкин бўлган салбий оқибатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш зарурияти ортиб бормоқда.

Умуман олганда, хорижий валютада кредитлаш ҳажмларининг юқори суръатларда сақланиб қолиши, бир томондан,

иқтисодиётда инвестицион талабнинг юқорилигини акс эттирса, бошқа томондан, инвестицион ресурсларни жалб қилишга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар канали ва капитал бозорининг тўлиқ сафарбар этилмаганлиги лойиҳаларни молиялаштириш бўйича асосий юкнинг банк тизими зиммасига тўғри келаётганлигини кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ўрта даражадаги юмшоқ солиқ-бюджет сиёсати юритилди ва давлат бюджети ижроси 1,1 трлн. сўмлик дефицит билан бажарилди. Мазкур дефицитнинг давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқариш ва ташқи қарзни жалб қилиш орқали қопланиши унинг инфляция босимини юмшатишга хизмат қилди.

Инфляция даражаси Марказий банкнинг асосий прогнозларида назарда тутилган хатарларнинг қисман амалга ошиши ва нархларга мавсумий омиллар таъсири натижасида шаклланиб, чорак якуналари бўйича йиллик ҳисобда 13,6 фоизни ташкил этди ва 13,5-15,5 фоизлик прогноз коридорининг қуйи чегарасида бўлди.

Инфляция даражасининг прогноз кўрсаткичлари доирасида сақланиб қолиши, ички бозорда товарлар ва хизматлар таклифининг ортиши, шунингдек, миллий валюта алмашув курси барқарорлиги қисқа ва ўрта муддатли инфляцион кутималарнинг пасайишига хизмат қилди.

Марказий банкнинг ички валю-

та бозоридagi интервенцияларининг белгиланган параметрлар доирасида бўлиши, давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқариш ҳамда Марказий банкнинг депозит аукционлари банк тизимидаги қўшимча ликвидликни стерилизация қилиш имконини берди ва иқтисодиётда ижобий реал фойза ставкалари сақлаб қолинишига хизмат қилди.

Иқтисодиётда жамғариш фаоллигининг барқарор ўсиш тенденцияси сақланиб қолди. 2019 йилнинг I чорагида жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари ҳажми 19,2 фоизга, юридик шахсларники эса – 13,2 фоизга ўсди.

Ташқи иқтисодий шароитларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Асосий капиталга инвестицияларнинг жадал ўсиши ва ташқи қарз манбаларидан инвестицион ресурслар оқимининг ортиши, усқуналар ва ишлаб чиқариш линиялари импортида акс этмоқда. Бу, ўз навбатида, жорий ҳисоблар баланси манфий сальдосининг сақланиб қолишига олиб келди.

Марказий банк иқтисодий ўсишнинг 5,2-5,4 фоизлик асосий прогнозини сақлаб қолмоқда. Кейинги даврларда ҳам хорижий кредит линиялари ва ўрта даражадаги юмшоқ солиқ-бюджет сиёсати ҳисобига инвестицияларнинг юқори суръатларда ўсиши, аҳоли даромадларининг ортиши ҳамда трансчегаравий пул ўтказмаларининг ижобий динамикаси иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари бўлиб қолади.

Шарҳнинг батафсил матни билан sbu.uz сайтида танишиш мумкин.

“УНИВЕРСАЛ БАНК”НИНГ БЕШИНЧИ ФИЛИАЛИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Филиал юридик шахслар учун иш ҳақи бўйича лойиҳалар, бизнес учун мобил ва интернет банк ва кредитлар, миллий ва хорижий валютадаги депозитлар, жисмоний шахслар учун эса миллий ва хорижий валютадаги омонатлар, бир қатор кредитлар, халқаро пул ўтказмалари ҳамда миллий ва халқаро виза карталари эмиссияси ҳам таклиф қилади.



– Ўз фаолиятини бошлаётган бу бўлим банкимизнинг бешинчи филиали ҳисобланади, – дейди “Универсал банк” АТБ банк кенгаши раиси Анвар Ирчаев. – Бу банкимиз тарихидаги катта воқеа бўлди. Ушбу филиални очиш учун банкимиз узоқ тайёргарлик кўрди. Ходимларни танлаб, синондан ўтказдик. Чунки банклараро катта рақобат муҳити шароитида Тошкент вилояти аҳлига юқори даражадаги банк хизматларини ташкил этишнинг ўзи бўлмайди. Келгусида асосий эътиборимизни мижозлар ишончини қозонишга, ўрта ва кичик бизнес субъектларига муносиб хизмат қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

– Банк корпоратив бошқарув ва чакана савдо сегментларида фаол иштирок эта-

ди, – дейди филиал бошқарувчиси Абдулла Файзиев. – Мослашувчан тарифлар, мижозлар бизнесининг ўзига хос хусусиятларига индивидуал ёндашиш, бозор талабларига мувофиқ янги замонавий банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш банк молиявий кўрсаткичларининг жадал ўсишига олиб келади, бу эса, ўз навбатида, банкнинг янада муваффақиятли ривожланиш истиқболларини белгилаб беради.

Бугунги кунда банк ривожланишнинг янги босқичида бўлиб, замонавий банк технологиялари, банк маҳсулотларига бўлган реал талаб ўзгаришларига ҳозиржавоб, хизматларнинг кенг кўламлиги асосий устувор йўналиш қилиб белгиланган.

Мижозлар базасини кичик ва хусусий корхоналар ҳамда жисмоний шахслар ташкил этади. Янги филиал ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлидан бориб, Зангиота тумани фуқаролари ҳаётини яхшилашга ўз ҳиссасини қўшади.

Филиал биносига мижозларга максимал қулайлик яратилган бўлиб, унда корпоратив мижозлар билан мулоқот қилиш, қулай кутиш хоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар бурчаги мавжуд. Шу билан бирга, янги филиалда мижозларга ўзига ўзи хизмат кўрсатиш бурчаги ҳамда мижозларга қулайлик яратиш мақсадида инфокиоск ва банкоматлар ўрнатилган.


Зангиота филиалининг очилиши муносабати билан мижозларга нафақат янги маҳсулот ва банк хизматларини тақдим этиш, балки кредитлар ва депозитлар бўйича жуда қулай имтиёзли фоизлар, корпоратив мижозларга хизмат кўрсатишнинг имтиёзли ставкалари, э-ПОС виртуал терминаллар хизмати, УНИРЕД кредитлаш хизматлари тақдим этиб борилади.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

МУСОБАҚА

Жорий йилнинг 18 май куни Ўзбекистон банклари Ассоциацияси томонидан мамлакатимиз Мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб спортнинг шахмат тури бўйича ўтказилган XIV-банклараро спартакиадада “Микрокредитбанк” АТБ жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллади.

“АҚЛ ЖАНГИ”



Мазкур мусобақа шведча тизимда ўтказилди. Унда барча тижорат банкларидан ташриф буюрган тўрт нафар ходимдан иборат сара жамоалар 7 та турда кескин ва муросасиз баҳс олиб борди. Ҳар бир иштирокчига ўйин охирига қадар 10+2 дақиқадан вақт берилди. Мусобақада электрон соатлардан фойдаланилди.

Маълумки, “ақл жанги” дея ном олган спортнинг мазкур турига мамлакатимизда йилдан-йилга қизиқиш ортиб бормоқда. Бу борада “Микрокредитбанк” АТБ тизимида ҳам ходимлар ўртасида мунтазам равишда турли мусобақалар ташкил қилиб келинмоқда.

Айтиш мумкинки, бу каби тадбирларнинг ўтказилиши ҳамкасблар ўртасида спортга ҳамоҳанглик, ҳамкорлик руҳининг мустаҳкамланиши ва тизимда ижобий психологик муҳит ўрнатилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

finance.uz

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” РАҲБАРИ СИРДАРЁДА

Президентимиз ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббусдан бирида – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш ғояси илгари сурилган.



Давлатимиз раҳбари, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш масаласига тўхталиб, “Ҳар бир раҳбар ўзининг шахсий кутубхонасидан ўзи таълим олган мактаб кутубхонасига китоблар совға

қилса, бу яхши ташаббус бўлиб, китобхонликни ривожлантириш билан фарзандларимиз тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади”, дея таъкидлаганлиги барча раҳбариятни, жумладан, банк бошқарувчиларини

ҳам бефарқ қолдирмади.

Масалан, “Ўзсаноатқурилишбанк” бошқаруви раиси Азиз Воитовнинг Сергели туманидаги ўзи таълим олган 300- умумтаълим мактабидан ташқари шаҳардаги яна бир нечта ўқув даргоҳларига бориб, ўқувчи ёшларга китоблар совға қилганлиги ҳақида хабар берган эдик.

17 май куни Азиз Воитов Сирдарё вилоятининг Сирдарё шаҳридаги 40- умумтаълим мактабига ташриф буюрди ва мактаб ўқувчиларига 250 тадан ортқ қизиқарли бадий китобларни туҳфа қилди.

– “Ўзсаноатқурилишбанк” мамлакатимизда амалга оширилаётган барча хайрли ишларда фаол иштирок этиб, юртимизда юз бераётган тараққиёт ва юксалишга муносиб ҳисса қўшаётган банклардан бири ҳисобланади, – дейди



мазкур мактаб директори Шоҳира Йўлдошева. – Мен халқ депутатлари туман кенгашининг депутати сифатида мазкур молия муассасасида хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва миқёсини кенгайтириш борасида жиддий изланишлар олиб борилаётганлигига ҳамда салмоқли натижаларга эришилаётганлигидан яхши хабардорман. Буни Сирдарё вилоятидаги ўнлаб корхона ва тадбиркорлар фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Республика мизнинг ана шундай нуфузли бан-

ки бошқаруви раиси Азиз Воитовнинг мактабимизга келиши барчамизни бирдек қувонтирди. Ишонимизки, азиз меҳмонимиз совға қилган китобларни ўқувчиларимиз севиб ўқийди, маънавий оламни кенгайтиради.

Азиз Воитов мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари билан суҳбат ўтказди. Синф хоналарини айланиб, шартшароитлар билан танишди. Учрашув сўнггида у битта синф хонасини компьютерлаштиришга ваъда берди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК –

Тошкент вилояти Зангиота туманида

“Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастурини амалга ошириш борасида бажарилаётган ишлар хусусида

Биз, инсонлар ҳамisha оиламизга суянаемиз, ардоқлаб яшаймиз. Унинг шаъни, бахту саодати учун курашиб, тинчлиги ва фаровонлигини ўйлаб, изланаемиз, меҳнат қилаемиз. Чунки оила оддий сўз эмас. Оила – Ватан деган муқаддас ошённинг бошланиши, остонасидир. Тинч, фаровон оилалар кўпайган юрда тараққиёт кўлами ортади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда эришилаётган улкан ютуқлар, айниқса, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз бераётган оламшумул ўзгаришларни ҳам аввало аҳолига муносиб ҳаёт шaroитларини яратиб, халқни рози қилишдек эзгу тамойил асосида иш юритилаётганининг натижаси деб изоҳлаш мумкин. Сир эмаски, оилада фаровонликни таъминлаш учун биринчи галда барқарор даромад манбаига эга бўлиш лозим. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш ишига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июнда эълон қилинган “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори ҳам ана шундай эзгу ишлардан биридир.

Халқимиз мазкур қарорни катта хайрихоҳлик билан кутиб олди. Чунки қадимий касб-хунар аъаналари, ишбилармонлик салохияти, оилавий тадбиркорлик,

хунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини кенг оммалаштириш, экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган қарорда “Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш лозимлиги белгилаб берилган.

Тўғри, оилавий тадбиркорлик халқимиз учун янгилик эмас. Лекин давлат томонидан тадбиркорлик қилаемиз деган оилаларга катта имтиёзлар берилиб, уларни қийнаши мумкин бўлган муаммоларнинг бартараф қилиниши янгилик.

Оилавий тадбиркорликнинг афзалликларини ўз ҳаётларида



“Бўзсув” қишлоғининг “Аччисой” маҳалласида истиқомат қилувчи Бегали Илёсов ҳам акаси Ўрозали, укаси Дилшод билан маслаҳатлашиб оилавий тадбиркорлик хўжалигини ташкил этди. Турон банкдан 10 млн сўм кредит олиб 2000 та брoлер товuқ харид қилди. Эндигина 26 ёшга тўлган бу тадбиркор билан суҳбатлашсангиз у ўз фаолиятининг эртанги кунига катта ишонч билан қараётганига ишонч ҳосил қиласиз.

синовдан ўтказган, ҳалол меҳнат, астойдил интилишларнинг ширин меваларидан баҳраманд бўлиб яшайётган оилалар кўп.

Бунга Зангиота туманида фаолият кўрсатаётган юзлаб оилаларни мисол келтириш мумкин. Дилфуза Пўлатова ана шундай тадбиркорлардан бири.

– Дилфузахонни келин қилиб олдиғу уйимизга, оиламизга файз-барока кирди, – дейди унинг қайнонаси Мамлакат Пўлатова. – Мен ўзим “Мевазор” маҳалла фуқаролари йиғинида хотин-қизлар иши бўйича мутахассис бўлиб ишлайман. Хўжайиним нафақада.

Ўғлим Кушбегидаги қурилиш фирмасида ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Тўғриси айтсам, шу пайтгача топганимизга шуқр қилиб яшаганмиз. Қўл билан берганга куш тўймас, деганлари тўғри экан. Тўғри, бировдан кам бўлмадик. Лекин биримиз икки бўлгани йўқ. Бирни икки қилиш учун тадбиркор бўлиш керак экан. Буни бизга келинимиз ўргатди. Тиниб-тинчимас, ҳаракатчан келиним бир кун, – “Ойижон, “Ҳар бир оила – тадбиркор” деган дастур қабул қилинибди. Хоҳлаган, ўзининг кучига ишонган оилаларга 8 фоизли имтиёзли кредит

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2018 ЙИЛ 7 ИЮНДАГИ ПҚ-3777-СОНЛИ ВА
2019 ЙИЛ 7 МАРТДАГИ 4231-СОНЛИ ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ЗАНГИОТА ТУМАНИ БЎЙИЧА
13.05.2019 ЙИЛ ҲОЛАТИГА ҚИЛИНГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

т/р	Тижорат банклари номи	Бириктирилган МФЙлар сони	Хонадонлар сони	Шундан кам таъминланган хонадонлар сони	Жами ажратилган ресурс	Ажратилган ресурсларнинг ишлатилиши	Кунлик				Кунлик				Фойзда	Фарқи
							08 май кунда		Шундан кам таъминланган		10 май кунда		Шундан кам таъминланган			
							сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси		
1	АТИБ “Ипотека банк”	23	11676	91	3814,0	3064,0	1	1,0	1	1,0	13,0	221,0	5,0	20,2	80,3	-750,0
2	“Инфин банк”	16	8291	16	920,0	702,5	1	30,0	0	0,0	3,0	80,0	0,0	0,0	76,4	-217,5
3	“Турон банк”	27	15041	26	10093,0	2330,9	20	100,0	19	70,0	8,0	108,2	5,0	20,2	23,1	-7762,1
4	ДТ Халқ банки	22	5679	20	1133,0	918,0	1	30,0	0	0,0	1,0	30,0	0,0	0,0	81,0	-215,0
	ЖАМИ:	88	40687	153	15980,0	7015,4	23,0	161,0	20,0	71,0	25,0	439,2	10,0	40,4	44,0	-8944,6

БАРҚАРОР ДАРОМАД МАНБАИ

Тумандаги тижорат банклари томонидан қарорда кўрсатилган фаолият турлари доирасида тикувчилик йўналиши бўйича жами 73 фуқарога 1397,4 млн. сўм, чорвачилик ва насли қорамол етиштириш йўналиши бўйича жами 77 фуқарога 3329,4 млн. сўм, тиббий гигиеник воситалар ишлаб чиқариш йўналиши бўйича 1 фуқарога 150,0 млн. сўм, иссиқхона йўналиши бўйича 6 фуқарога 260,0 млн. сўм, бошқа лойиҳалар бўйича жами 1 фуқарога 28,3 млн. сўм, пойабзал ишлаб чиқариш – бўйича жами 1 фуқарога 200,0 млн. сўм ҳамда бошқа йўналишлар бўйича жами 31 фуқарога 1793,1 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди.



берилаётганмиш. Рухсат берсангиз, мен кредит олиб ўзимни бир синаб кўрсам”, деб қолди. Қарасам, шашти баланд. Раъйини қайтаргим келмади. Эртага ўзингизниям қийнаб кўймасангиз бўлди, дедим. Туман ҳокимияти ва Халқ банкининг кўмаги билан 30 млн. сўм кредит ажратилди. Бу пулнинг асосий қисмига битта болали наслдор сигир билан ғўнажин олдик. Қолган пулга томорқамизда 1,5 сотих ерга иссиқхона қуриб, экин экдик. Яқинда сигирларимиз, худо хоҳласа, тўртта бўлади. Иссиқхонадан биринчи йилнинг ўзида 3 марта ҳосил олиб, 3 млн сўмга яқин даромад қилдик. Бу йил ҳам катта даромад кутяпмиз. Чолим уй-

да зерикиб ётарди. Ҳозир иш билан, молларни боқиш билан машғул. Ўғлим ҳайдовчиликни ташлаб, тадбиркорлик билан астойдил шуғуллансаммикан, деб турибди. Чунки яхши ишласа яхши даромад қилиш мумкинлигига ишондик.

“Бўзсув” кишлоғининг “Аччисой” маҳалласида истиқомат қилувчи Беғали Илёсов ҳам ақаси Ўрозали, уқаси Дилшод билан маслаҳатлашиб, оилавий тадбиркорлик хўжалигини ташкил этди. “Турон банк”дан 10 млн сўм кредит олиб, 2 000 та броллер жўжа харид қилди. Эндигина 26 ёшга тўлган бу тадбиркор билан суҳбатлашсангиз, у ўз фаолиятининг

эртанги кунига катта умид билан қараётганига ишонч ҳосил қиласиз.

– Менинг паррандачилик бўйича билимим ҳам, тажрибам ҳам бор, – дейди у. – Тўрт йил Бўзсувдаги паррандачилик хўжалигида ишлаганман. Бу йилнинг ўзида астойдил ҳаракат қилсак, 15-20 млн сўм даромад қилишимиз мумкин.

“Ҳаракат” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Элбек Ҳамроевнинг чорвачиликда анча тажрибаси бор. Шунинг учун давлат томонидан яратилаётган имкониятдан фойдаланиб, ҳовлисида боқаётган 10 бош наслдор мол сонини 20 млн сўм кредит олиб 12 тага етказди. Эндигина 30 ёшни қоралаган бу чорвадорга отаси Холдор ака яқин маслаҳатчи.

– Яқин йилларда голландия сигирларини 100 бошга етказамиз. – дейди ишонч билан у. – Зарур техникаларимиз ҳам, 150 бош голландия сигирлари сутини қайта ишлаш қувватига эга бўлган технологиямиз ҳам бор. Фақат чорва озукасини етиштириш учун озрок ер олсак бўлгани...

“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ дастур доирасида ресурслар ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача миқдорда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратиш, ҳудудлар сектори раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари асосида йиллик 8 фоизлик ставкада, 3 йил муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан имтиёзли микрокредитлар ажратилиши юзасидан кунлик ишлар ташкил этилмоқда, – дейди туман иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича бош мутахассис Садриддин Раҳматов. – Ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Заңгиота тумани бўйича жами бўлиб ҳозирги кунда 190 фуқарога жами 7158,2 млн сўм имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Тумандаги тижорат банклари томонидан қарорда кўрсатилган фаолият турлари бўйича тикувчилик йўналишида жами 73 фуқарога 1397,4 млн сўм, чорвачилик ва насли қорамол етиштириш йўналиши бўйича жами 77 фуқарога 3329,4 млн сўм, тиббий гигиеник воситалар ишлаб чиқариш йўналиши бўйича 1 фуқарога 150,0 млн сўм, иссиқхона йўналиши бўйича 6 фуқарога 260,0 млн сўм, бошқа лойиҳалар бўйича жами 1 фуқарога 28,3 млн сўм, пойабзал ишлаб чиқариш бўйича жами 1 фуқарога 200,0 млн сўм ҳамда бошқа йўналишлар бўйича жами 31 фуқарога 1793,1 млн сўм кредит маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, ушбу ажратилган маблағларни тумандаги банклар кесимида тақсимланганда “Туронбанк” АТБ томонидан 42 фуқарога жами 1434,5 млн сўм ажратилган, туман “Халқ банки” томонидан 19 фуқарога 905,6 млн сўм, туман “Савдогар банк”и томонидан 13 фуқарога 650,9 млн сўм, АТБ “Инфин Банк” томонидан 24 фуқарога 754,7 млн сўм ҳамда АТИБ “Ипотека” банки томонидан 92 фуқарога 3412,5 млн сўм кредит маблағлари ажратилди.

Ҳозирги кунда вилоят ишчи гуруҳи хулосасига кўра туман бўйича жами 190 та жисмоний ва юридик шахслар учун 7158,2 млн сўм имтиёзли кредит ажратилишига рухсат берилди. Шундан жами 25 жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатларини қайта ўрганиб чиқишлари юзасидан хулоса берилган ҳамда 11 та жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари ҳар хил сабабларга кўра вилоят ишчи гуруҳи томонидан рад этилганлиги маълум қилинади.


Жорий йилнинг 13 май ҳолатига кўра фуқароларга вилоят ишчи гуруҳи томонидан кредит ажратилган бўлса-да, улар ва таъминотчилари ўртасидаги муаммоларга кўра, яъни Турон банки мижозларидан 11 нафар, АТ Халқ банки мижозларидан 2 нафар ҳамда “Инфин банк” мижозларидан 1 нафар, жами 14 нафар фуқаролар томонидан ўз аризаларига мувофиқ ажратилган имтиёзли кредитлар рад этилганлиги маълум қилинади.

Умуман, заңгиоталик оилавий тадбиркорлардан барча тумандошлари ўрناق олса арзийди. Ҳаракатларига яраша натижаларга эришяпти. Орузалари катта, ғайратлари ҳавас қилгулик.

– Энг муҳими, ўз олдига қатъий мақсад қўйиб, уни амалга ошириш учун астойдил интилиш керак, – дейди ана шундай тадбиркорлардан бири Мансур Ҳасанов. – Мен ҳам 29,9 млн сўм кредит олиб, енгил автомобилларга хизмат кўрсатиш корхонасини очдим. Устозим Абдувоҳид ака Ҳайдаровдан бу касбнинг сир-асрорларини ўргандим. Энди мустақил иш юритмоқчиман. Зарур техник жиҳозларни сотиб олдим.

Мансуржон сўзини тугатиб, мамнун кулиб кўяди. Оиласи, ҳаёти, меҳнат натижаларидан мамнун инсонларнинг кулгуси ана шундай чиройли, беғубор бўлади.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.



“RAVNAQ-BANK”НИНГ КРЕДИТ РЕЙТИНГИ “БАРҚАРОР”

“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги “Ravnaq-bank” хусусий акциядорлик тижорат банки миллий шкала бўйича кредит рейтингини “Барқарор” прогнози билан “uzB+” даражасида тасдиқлади.

“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги томонидан 2019 йил I чорак якуни бўйича ўтказилган мониторинг натижасига кўра, “Ravnaq-bank” хусусий акциядорлик тижорат банки миллий шкала бўйича кредит рейтингини “Барқарор” прогнози билан “uzB+” даражасида биринчи чоракни якунлади. Ҳисобот даврида банк активлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22,38 фоиз ортган ва 420,8 миллиард сўмга етди (2018 йил I чоракда ушбу кўрсаткич 324,9 миллиард сўм эди). Жумладан, банк кредит портфели ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 65,83 фоиз ўсган ва 2019 йил I чорак якунига кўра 324,9 миллиард сўмни ташкил этди ёки “Ravnaq-bank” ХАТБ соф активларининг 77,20 фоизи (2018 йил I чоракда 195,9 фоиз) га тенгдир.

Ҳисобот даврида “Ravnaq-bank” ХАТБ инвестициявий портфели ўтган йилнинг мос даврига нисбатан деярли 5 баробар кўпайди ва 3,1 миллиард сўмга етди (2018 йил шу чоракда 0,64 миллиард сўм) ёки банк умумий активларининг 0,73 фоизи (2018 йил I чоракда 0,19 фоиз)га тўғри келади.

Ўрганилган давр якунига кўра, банк ликвидлиги активлари қиймати 58,5 миллиард сўмга тенг бўлди ёки “Ravnaq-bank” ХАТБ жами активларининг 13,89 фоизи (2018 йил мос даврида 26,65 фоиз)ни ташкил этди. Жумладан, банкнинг юқори ликвидлиги активлари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 52,87 фоизга камайган ва 43,2 миллиард сўмга тушиб қолган. Айни вақтда “Ravnaq-bank” ХАТБ жорий активлари ва жорий мажбуриятлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,00 фоиз ва 15, 25 фоизга қисқарган ва 2019 йил I чорак якунига кўра уларнинг ҳажми 80,8 миллиард сўм ва 98,5 миллиард сўмни ташкил этди. Натижада “Ravnaq-bank” ХАТБ жорий ликвидлиги коэффициенти 2018 йил I чорак якунига кўра 83,76 фоизга етган бўлса, 2019 йил I чорак якунида ушбу улуш 89,76 фоизга тўғри келган.

Ҳисобот даврида “Ravnaq-bank” ХАТБ мижозларининг депозитлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8,92 фоиз камайган ва 253,9 миллиард сўмга етган ёки банк барча мажбуриятлари-

нинг 84,13 фоизига (2018 йил шу даврда 93,32 фоиз) тенг бўлган. Шундай қилиб, 2019 йил I чорак якунига кўра банкнинг қарийб 33,64 фоиз депозитлари талаб қилиб олингунга қадар бўлган депозитлар саналади.

Айни пайтда 2019 йил I чорак якунига кўра “Ravnaq-bank” ХАТБнинг муддатли ресурс манбаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,81 фоизга қисқарган ва 212,6 миллиард сўмга етган (2018 йил мос даврида 218,8 миллиард). Шу билан бирга, 2019 йил I чорак якунига кўра “Ravnaq-bank” ХАТБ кредит портфелининг банк муддатли ресурс манбасига нисбатан мувофиқлик кўрсаткичи 154,80 фоизга тенг бўлди (2018 йил I чоракда 89,69 фоиз).

“Ravnaq-bank” ХАТБнинг ҳисобот давридаги капиталлашуви мақбул даражада деб баҳоланди, яъни 2019 йил I чорак якунига кўра банкнинг хусусий капитали ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли 2,5 баробар ортди ва 119,0 миллиард сўмни ташкил этди (2018 йил I чоракда 45,1 миллиард сўм). Айни пайтда банк акциядорлик капитали ҳам ҳисобот даврида 3 баробар кўпайди ва 2019 йил I чорак якунига кўра 100,0 миллиард сўмни ташкил этди. Аксинча, банк захира капитали 2019 йил I чорак якунида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 37,82 фоизга қисқарди ва 7,2 миллиард сўмга етди (2018 йил биринчи чоракда 11,6 миллиард сўм). 2019 йил I чорак якунига кўра, банкнинг тақсимланмаган фойдаси ортди ва 11,8 миллиард сўмни ташкил этди. Натижада 2019 йил I чорак якунига кўра “Ravnaq-bank” ХАТБнинг умумий капитали ва I даражали капиталининг етарлилик кўрсаткичи 23,68 фоиз ва 22,851 фоизга етди (2018 йил шу чоракда 15,89 фоиз ва 15,05 фоиз). Айни пайтда ХАТБнинг капитал база билан таъминланганлик даражаси 2019 йил I чоракда 28,28 фоизни ташкил этди (2018 йил I чоракда 13,12 фоиз эди).

Ўрганилган даврда “Ravnaq-bank” ХАТБ соф фойдаси 1,7 миллиард сўмни ташкил этди (2018 йил I чоракда 1,4 миллиард сўм). Пировардида 2019 йил I чорак якунига кўра банкнинг ўртача активлар ва ўртача хусусий капитал рентабеллилик кўрсаткичи 0,45 фоиз ва 2,09 фоизга тенг бўлди. Ҳисобот даврида соф фоиз маржаси ва банк фоиз фарқи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ортди ва 3,16 фоиз ва 3,27 фоизга етди (2018 йил I чорак якунида 0,88 фоиз ва 1,60 фоиз).

“Ravnaq-bank” ХАТБ кўрсаткичлари	2018 й I чорак	2019 й I чорак
Умумий активлар, миллиард сўмда	343,9	420,8
Кредит портфели, соф, миллиард сўмда	195,9	324,9
Хусусий капитал, миллиард сўмда	45,1	119,0
Умумий капиталнинг етарлилик коэффициенти, фоизда	15,89	23,68
I даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти, фоизда	15,05	22,85
Ўртача активлар рентабеллиги, фоизда	-0,46	0,45
Ўртача хусусий капиталнинг рентабеллиги, фоизда	-3,61	2,09

“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги

СОҲАГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ЛОМБАРДЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИГА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР ВА ЭЛЕКТРОН МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2019 йил 11 мартда 2994-1-сонли рақам билан рўйхатдан
ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юриштиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/6-сон қарори (рўйхат рақами 2994, 2018 йил 5 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 14-сон, 294-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,

2019 йил 23 февраль,
4/13-сон.

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 23 февралдаги 4/13-сон қарорига
ИЛОВА

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ЛОМБАРДЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИГА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР ВА ЭЛЕКТРОН МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 6-банддан “ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади” деган сўзлар чиқариб ташлансин.
2. 2 — 5-илвалардан “муҳр” деган сўз чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, БОШ БУХГАЛТЕРЛАРИ, БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИ, МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМДА КРЕДИТ БЮРОЛАРИНИНГ ИЖРО ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА НИСБАТАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
11 мартда 2989-1-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/11-сон қарори (рўйхат рақами 2989, 2018 йил 30 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.03.2018й., 10/18/2989/0968-сон) билан тасдиқланган Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,

2019 йил 23 февраль,
4/1-сон.

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 23 февралдаги 4/1-сонли қарорига
ИЛОВА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, БОШ БУХГАЛТЕРЛАРИ, БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИ, МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМДА КРЕДИТ БЮРОЛАРИНИНГ ИЖРО ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА НИСБАТАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 3-банднинг ўн бешинчи хатбошисидagi “легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга” деган сўзлар “легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга” деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 4-банднинг бешинчи хатбошисидagi “Ўзбекистон Республикаси Президенти девони” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Чет эл капитали иштирокидаги АТБ «Хамкорбанк»нинг Қувасой филиали жамоасининг самарали фаолияти ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига хизмат қилмоқда. Филиал иш жараёнларини Президентимиз томонидан белгилаб берилган мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асосида ташкил этиб, банк тизими олдига белгилаб берилган устувор йўналишлар ва вазифаларни бажаришга, филиалда мижозлар сонини кўпайтиришга, замонавий банк хизматларини кўрсатиш, янги ишлаб чиқариш объектиларини кредитлаш, нақд пул тушумини кўпайтириш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарини савдо терминаллари билан таъминлаш борасида фаолият олиб бормоқда.

Маълумки, мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, кўплаб имтиёзлар берилмоқда. Уларнинг банклар томонидан қўллаб-қувватланиши

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИГА КРЕДИТЛАР

эса тадбиркорлар сонининг тобора ортишига омил бўлаётир.

– Филиалимиз томонидан кичик бизнес субъектларини молиялаш борасидаги ишлар аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Жумладан, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, филиал томонидан 102 та хўжалик субъектларига жами 11296,0 млн сўм миқдорда кредит ажратилган. Натижада ҳудудда жами 40 яқин янги ишчи ўринлари яратилди, – дейди «Хамкорбанк» Қувасой филиали бошқарувчиси Сирожиддин Махсимов.

Қолаверса, филиал томонидан ёш ташаббускор тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 1-чораги давомида филиал томонидан «Yoshlar-kelajagimiz» Давлат дастури доирасида 9 лойиҳага жами 2085,5 млн сўм миқдорда кредитлар ажратилган. Жумладан, «Қувасой

Рўзибобо янги боғи» фермер хўжалигига паррандачилик цехини ташкил қилиш учун 200,0 млн сўм, «Орифжон Алижон» оилавий корхонасига совутиш камераларини ташкил қилиш учун 300,0 млн сўм, «Амир бренд текстил» МЧЖга тикувчилик фабрикасини ташкил этиш учун 342,5 млн сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, мазкур маблағлар ҳисобига қўшимча ўнлаб янги иш ўринлари яратилди.

Қисқасини айтганда, банкнинг кредит ресурсларини мақсадли тақсимлаш муассасанинг устувор вазифаларидан бири саналади. Шу боис, филиал фаолияти бугунги кунда асосан вилоят иқтисодиётини барқарорлаштириш ва аҳоли турмушини фаровонлаштиришга, ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаётган тадбиркорлик соҳасини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилгандир.

Ҳамдам АМИНОВ

ЙИЛЛИК ҚУВВАТИ 300 ТОННА БЎЛГАН ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА ҚУРИЛДИ

Наманган вилоятининг Янгикўрғон тумани Зарбдор қишлоғидаги «Мўъжиза агро-сааноат сервис» шўъба корхонаси қошидаги иссиқхонада помидор, бодринг етиштириш йўлга қўйилган. Замонавий иссиқхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 300 тонна.



Иссиқхона ўтган йили «Асакабанк» вилоят филиали кўмағида ташкил этилган. Умумий экин майдони 10,5 гектардан иборат. Иссиқхонада 15 нафар киши доимий ва 40 киши мавсумий иш билан банд.

Айни пайтда парваришдаги помидор мўл ҳосилга кирган. Маҳсулот қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда.

ЎЗА

МАЪНАВИЯТ СОАТИ

– Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси каби ҳар бир банк ходими ҳам ўз ватанини севса, аждодлар ёдини муқаддас билса ўз ишига, жамиятга муносабати ўзгаради. У ўз ишига масъулият билан, атроф-муҳитга эътибор билан ёндашади, – дейди республика Марказий банки Ходимлар билан ишлаш департаменти ўқув бўлими бошлиғи Нурали Холмуродов.


Банк ходимларининг маънавий-маърифий дунёсини бойитиш, касб малакаларини ошириш мақсадида ташкил этилган ўқув бўлимининг сўнгги йиллардаги фаолияти билан танишиш мақсадида кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга Нурали Холмуродов билан суҳбатлашдик.

– Айтинг-чи, банк ходимларининг касб малакаларини ошириш борасида ўқув бўлими томонидан ўтган 2018 йилда қандай тадбирлар амалга оширилди?

– 2018 йил бошида тасдиқланган жадвал асосида ўтган ярим йил давомида ҳафтада бир маротаба Марказий банкнинг департаменти раҳбар ходимлари билан биргаликда машғулотлар ташкил қилинди. Унда раҳбар ходимлар ўз иш фаолияти доирасида маъруза ўқиб, иш тажрибаси билан ўртоқлашди. Ўтказилган семинарлар муҳокама ва мунозараларга бой бўлиб, иштирокчилар ўз касбий билим ва тажрибаларини оширишга муваффақ бўлди. Машғулотлар сўнггида анкета-сўровномалар тарқатилиб, иштирокчиларнинг тақлиф ва талаблари ўрганилди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойидан йил охиригача эса, мамлакатимизнинг қатор танқили олимларининг маърузалари ташкил қилинди. Булардан и.ф.д. проф. Тўлқин Бобоқулов, и.ф.д. Сергей Чепель, и.ф.д. проф. Михаил Хамидуллин, и.ф.н. Аббос Набижўжаевларнинг иштироклари тингловчилар томонидан илқ кутиб олинди. Банк раҳбар ва ходимларининг касбий билимларини ошириш

ВАТАНИНИ СЕВИШ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДАН БОШЛанаДИ



мақсадида ташкил этилган ушбу маърузалар видео тасвирга олинди. Ҳар бир иқтисодчи, ҳар бир банк раҳбар ва ходимларига зарур бўлган ушбу маърузалар Марказий банк сайтига жойлаштириш арафасида турибди.

Уюштирилган семинар-маърузаларда фаол қатнашган маърузачи ва иштирокчиларни баҳолаш ва рағбатлантириш мақсадида «Энг яхши маърузачи», «Энг яхши иштирокчи» номинацияси бўйича танловлар ўтказилди. Ҳолиблар махсус совринлар билан тақдирландилар.

Ўтган йилнинг сентябрь-декабрь ойларида эса режа асосида 35 ёшга бўлган банк ходимлари учун департамент директорлари маърузалар ўқишди. Айтиш керакки, биз маърузаларга пухта тайёргарлик кўраимиз. Тингловчилар давомати олиб борилади. Маърузалар ўқилишидан 1-2 кун олдин маъруза материалларининг қисқача матни тарқатиладики, тингловчилар маърузага тайёр бўлиб, ўзларини қизиқтирган саволларини тайёрлашсин.

– Ўқув бўлими томонидан банк раҳбарлари ва ходимларнинг маънавий-маърифий дунёқарошини ривожлантириш мақсадида адабиётшунос, тарихчи олимлар ҳам

машғулотларга тақлиф қилинар экан. Шулار ҳақида ҳам батафсил тўхталсангиз?

– Маънавиятсиз жамият таназзулга юз тутаети. Бу каби нохушликнинг олдини олиш мақсадида бўлимининг томонидан иш режалари ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўз соҳасининг устаси бўлган, фан ва маърифатга салмоқдор ҳисса қўшаётган олимлардан ф.ф.д.проф. Иброҳим Ҳаққулов, т.ф.д. проф. Амралли Асқаровлар машғулотларимизда ўз маърузалари билан қатнашиб, ходимларимизнинг маънавий-маърифий дунёқарошларини бойитмоқда.

– Келгусида бўлим томонидан амалга оширилиши кутилаётган режалар ҳақида ўртоқлашсангиз.

– Китоб ҳаётимизда йўл кўрсатувчи бир зиё, бир машъалдир. Китобдан узоқлашиш миллатнинг, халқнинг маданияти, маънавиятидан узоқлашишидир. Жаҳон тараққийтидан беҳабар қолишидир. Президентимизнинг ташаббуслари билан 13.09.2017 йилда «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб

қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори бизга китобхонликни ривожлантириш йўлида яна бир туртки бўлди.

Маълумки, ёшларимиз китоб ўқишдан кўра интернетдан фойдаланиш, турли чат ва сайтларда ўралашишни ёқтиришади. Ҳа, интернетдан ижобий йўналишларда фойдаланиш керак. Бироқ ёшларимизнинг қимматли вақтларини кўнгилхушлик, турли бемаза ўйинлар олаётгани ачинарлидир. Биз ўша ёшларнинг овунчоғига айланиб қолаётган интернетдан маънавият йўлида фойдаланишни мақсад қилмоқдамиз. Яъники, Марказий банкнинг электрон кутубхонасини яратиб, ҳар бир банк ходимининг иш компьютерини, кейинчалик телефонида электрон кутубхонани улаб, турли илмий ва бадиий асарларни жойлаштирмоқчимиз.

– Нурали ака, ўз ҳаётий тажрибангиз, самарали иш фаолиятингиздан келиб чиқиб банк ходими қандай инсоний фазилатларга эга бўлиши керак деб ўйлайсиз?

– Инсон туғилибдики, у ватансиз, халқсиз яшай олмайди. Олисолисларга кетиб қолса-да ватанини, туғилган гўшасини соғинади, унга талпинади. Биз кўпинча бир нарсдан айрилгандагина шу нарсанинг қадрини туяемиз. Менинг ёшларга, ёш ходимларга маслаҳатим Ватан туйғусини, элюрт қадрини уни йўқотмасдан илгарти туишсин. Яъни ҳар бир банк ходими бўладими, бошқа касб эгасими, ўз тарихи, ўз аждодларининг буюк тарихидан хабардор бўлиши керак. Халқига, юртига меҳр-муҳаббати бор инсон ўз касбининг ҳам фидойиси бўлиб етишади. Чунки унда ўзига нисбатан ҳурмат ва эътибор, ўз ишига, вазифасига масъулият ҳисси камол топади. Ватанпарвар, маънавияти кучли инсон сотқин бўлмайди, у ватанига, ёру дўстига содиқ бўлади.

– Мазмулли суҳбатингиз учун ташаккур.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА суҳбатлашди.

ТАНЛОВГА



Рустам СОБИРОВ

Рустам Собиров 1993 йилда Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Айти пайтда "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкининг Ахборот технологиялари бошқармаси "Эксплуатация ва жорий қилиш" бўлими бош мутахассиси лавозимида ишлаб келмоқда. У асосан рус тилида ижод қилади.

Познай свою душу

Мир внутри тебя прекрасен,
Ты поглубже посмотри,
И почувствуй душу ясно,
Ту, что есть в тебе внутри.

Там бездонный мир увидишь,
Клад своей души найдешь.
Если ты себя познаешь,
Ты, как лотос, расцветешь.

Здесь найдешь свое смирение,
Милосердие, добро.
Веру обретешь, спасенье
И надежду, и любовь.

Ты послушай, как бушует
Внутренний твой океан.
Может, ты внутри увидишь
Красоту далеких стран.

А когда слегка откроешь
Занавес свой изнутри,
Ты поймешь, как не изведен -
Мир, что есть в тебе внутри.

Это только часть богатства,
Что ты можешь там найти.
Посмотри – весь мир прекрасен,
Мир, что есть внутри души!

Сурхандарья



Хурмою сладкою, халвою
Богата ты Сурхандарья!
И рыбой вкусною такою
Полна река Амударья!

Блестят цвета, переливаясь
На солнце в ярких чапанах!
Термеза краше нету края
Да видит все Святой Аллах!

Двенадцать дней, что здесь
провел я,
Увидел многое друзья –
Людей приветливых душою,
Хозяев радушных сполна.

Хочу я мира во всем мире,
Но здесь, особенно, друзья.
Всегда цветы и будь красива
Моя любовь – Сурхандарья!

Соғинчларим, ёмғирларим, лолаларим

Олис-олис армонларга дил кетди,
Нурли-нурли манзилларга йул етди.
Ўтди менсиз неча-неча баҳорлар,
Эй ота-юрт узоқ кетдим сафарлар.
Туфроқ эдим, туфроғимда тавоним,
Зор этмишлар ҳасратларим, забоним.
Кўнглимда ай соғинч тўла диёрлар,
Юрагимни макон этмиш ифорлар.
Селда кетган майсаларим ниш урмиш,
Шу майсалар кўкрагимга мушт урмиш.
Оғриқларга чидолмасдан кечалар,
Инграб чиқдим соғинганим чечаклар.
Эй гулижон, ҳар дам сенга муштоқман,
Сен чечаксан мен дилимга сўроқман.
Баланд-баланд айвонимнинг шифтидан,
Қараб билдим ифорингни тафтидан.
Ҳар кўкларнинг дилгинами ёр этсин,
Борлигингни борлиқ билсин, ёд этсин.
Шунда соғинч беэаб ётар кўксимни,
Ўзинг қўлла қалбимдаги дўстимни.

Хаёл карвонлари умр жом қадар,
Сенинг юзларингда нурли тонг қадар.
Бир дарвеш ҳолига боқиб ҳайрона,
Оҳ дили девона, бўлиб вайрона.
Ўтли туғёнларнинг жунбуш оҳидан,
Не ранглар ўтдилар ҳазон боғидан.
Куюб кул бўлмоқни истади кимлар,
Ҳижрон азоблари бағримни тиглар.
Мен-ку азоб билан яшадим бирга,
Олиб кетолмадим кўнглимни қирга.
Эна шамолларни соғиндим рости,
Сочимни силади ҳисларим ёди.
Ишқни кучмоқликка тайёр эдим ман,
Ҳуссага май куйиб, тутқазмадим ман.
Сенсиз яшамоқлик оғир дегандим,
Азобнинг юзлари сўлгин дегандим.
Куйгандим кул каби кукун бўлдим,
Дунё хайратлари ёдим ўлдими!
Кўп бора изладим қалбимга зиё,
Нурга чулғанмоқда ҳикматли дунё.

Болалик кўшиғи



Тунда исмин сўрар эдим, хур-малақдан,
Гул рақсини кўрдим ўшал капалақдан,
Камалақлар гул ранг эди жамалақдан,
Ойдай тўлин осмон эди ўшал дамлар.

Беғуборлик поклик билан ёндош эди,
Баҳор эди, гул-лолалар дилдош эди,
Мен эртакман, эртак менга издош эди,
Ойдай тўлин осмон эди ўшал дамлар.

Қирда ўскан лолаларим чорлар бу кун,
Дардин ёрмай унсиз-унсиз йиғлар бу кун,
Юрагимни ўшал оғриқ тиглар бу кун,
Ойдай тўлин осмон эди ўшал дамлар.

Хаёлимдан кетмас найнинг нолишлари,
Бобом чалган дўмбиранинг хонишлари,
Тунлар менга сирдош эди болишларим –
Ойдай тўлин осмон эди ўшал дамлар.

Дупур-дупур от чопдирган далаларим,
Кўкда баҳор юзим ювган жолаларим,
Соғинчларим, ёмғирларим, лолаларим,
Ойдай тўлин осмон эди ўшал дамлар.

Капалақдай, тушдай учиб кетди умр,
Бўй болалар бўй талашиб ўтди умр,
Ҳар томонга улоқтирди сўнгра умр,
Ойдай тўлин осмон эди ўшал дамлар.

Йиғла кўз ёш энди боқиб ҳазонларга,
Қайтиб келмас тўзонларга, тўфонларга,
Мовий осмон кўк гумбазли томонларга,
Ойдай тўлин осмон эди ўшал дамлар!
Ойдай тўлин осмон эди ўшал дамлар!

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

РАМАЗОН ТУҲФАСИ

Ризқдаги бараканинг омиллари

Ислоний адабиётларда
саҳиҳ манбаларга кўра ба-
раканинг нималарда экани
қуйидагича баён этилган:

1. Таомни биргаликда ейишда барака бор (Ибн Можа).
2. Бисмиллоҳ билан ейилган таомда барака бўлади (Ибн Можа).
3. Барака овқатнинг ўртасига тушади. Шунинг учун ҳам четидан энг, ўртасидан еманг (Термизий).
4. Саҳарда ва саҳарлик таомида барака бор (Табароний).
5. Таомдан олдин ва кейин қўлларни ювиш уйдаги баракани орттиради (Шуйба).
6. Қайноқ овқатда барака бўлмайди (Дайлабий).

7. Асалда барака ва шифо бор (Ғофилин).
8. Сирқада, судта, хурмода барака бор (Ибн Можа).
9. Ризқига рози бўлганнинг баракаси ортади, рози бўлмаганнинг баракаси камаяди (Аҳмад).
10. Олди-сотдида кўп қасам ичиш молнинг баракасини кеткизади (Муслим).
11. Тижоратда барака бордир, унга ёлғон, хиёнат аралашса, барака кетади (Бухорий).
12. Барака буюқларингизда (Рафий).
13. Биринчи боласининг қиз бўлишлиги хотиннинг баракотидандир (Ибни Асокир).
14. Қиз бола баракотлидир (Дайлабий).

15. Боласиз уй баракасиздир (Абушайх).
16. Уйнинг яхшилиги ва баракоти кўпайиши учун уйга кирганингда уй одамларига салом бергин (Ҳаротий).
17. Дуо умрнинг баракасини кўпайтиради (Термизий).
18. Қуръон ўқиладиган уйнинг баракаси ортади, Қуръон ўқилмайдиган уй бебарака бўлади (Доримий).
19. Мусофир мингта барака ва мингта раҳмат билан келади (Нисобул ахбор).
20. Уйдан вақтли чиққаннинг ишида барака бўлади (Баззор).
21. Йўлчиликка чиқиб, биродари билан видолашгач, уларнинг дуоси билан баракага эришади (Дайлабий).
22. Ота-онасига хизмат қилганларнинг умри баракали, уларга қарши борганларники бара-

- касиз бўлади (Ислом ахлоқи).
23. Муҳаммад исмли уй ва жойда барака бўлади (Дайлабий).
 24. Бомдод намозининг суннати ни уйда ўқиш, ризқнинг баракотига сабаб бўлади (Имоду ислом).
 25. Намоз ўқийдиган кишининг ризқи баракали бўлади (Кутуби Ситта).
 26. Ваъдали олди-сотдида, қарзни беришда ва арпа аралаштирилган нонда барака бор (Ибн Можа).
 27. Уйда чиқиндиларнинг бўлишлиги баракасизликка сабаб бўлади (Дайлабий).
 28. Фосиқ ва судхўрларнинг даромадида барака бўлмайди (Дайлабий).
 29. Бир жамоада бири гапириб турганда қолганлари тинч турмаса, у жой баракасиз бўлади (Байҳақий).

"Қалба ислом" канали

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

"Norma Hamkor" МЧЖ

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР
Ўқтам АБДУЛЛАЕВНАШР УЧУН МАСЪУЛ
Бобур МУҲАММАДИЕВРеклама ва маркетинг хизмати
Тел: 99897 776 60 18
71 232 45 32
Факс: 71 232 43 98
Нашр индекси-102.Ахборот кўмағи
ЎЗА

Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
www.banknews.uz телеграм каналимиз
@bank_axborotnomasiЧоп этишга тайёрловчи "Moliya yangiliklari
agentligi" МЧЖ Газета тахририятнинг техник уску-
наларида саҳифаланди.Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк
ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни
кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил
10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.
Газета ҳафтада бир марта — пайшанба кuni чиқади.Буюртма № Ғ 503
Адади 1986 нуска

Нархи шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмида, 2 шартли босма табақда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 22.05.2019 й.

1 2 3 4 5

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.